

ТАЪЗИЯ



15:21 / 15.02.2019 2397

«Ҳилол» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Ислом.уз портали жамоаси босмахомамиз ва нашриётимиз ходимлари – Мансуржон Абдулқайюм ҳамда Фозилжон Абдулқайюм биродарларимизга падари бузрукворлари Абдулқодир хожи Абдуллоҳ ўғлининг вафотлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча чеккан заҳматлари, тортган дардларини каффорот қилиб, барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин, динимиз йўлида хизмат қилаётган фарзандларининг солиҳ амалларидан ҳосил бўлган ажру савоблардан қиёматга қадар баҳраманд қилсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамиз. Парвардигоримиз Абдулқодир хожи отани Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон берсин!

«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллаахи ва иннаа илайхи рожиъуун!